

## Никоҳ эълони ва унда кўнгилхуши қилиш

05:00 / 14.02.2017 3948

Рубайийи бинти Муъаввиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тўйим бўлган куни келиб тўшагимга худди сен ўтирганга ўхшаб ўтирдилар. Шунда қизчалар чилдирма чалиб, Бадр куни қатл бўлган оталарим ҳақида хиргойи қилишди. Улардан бири:**

**«Ичимизда эртага нима бўлишини биладиган Пайғамбар бор», деб айтди.**

**Бас, у Зот:**

**«Буни қўй, аввал айтаётганингни айт», дедилар».**

Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Рубайийи розияллоҳу анҳонинг оталари Муъаввиз, Авф ва Муоз исми икки амакилари Бадрда шаҳид бўлган эдилар. Рубайийи вояга етиб Ияс ибн Букайр ал-Лайсийга турмушга чиқади. Тўйга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам келадилар. Ичкарига кириб, Рубайийи розияллоҳу анҳонинг тўшакларига ўтирадилар.

Шунда қизлар чилдирма чалиб, Бадрда шаҳид бўлганлар, хусусан, Рубайийи розияллоҳу анҳонинг оталари (ота ва икки амакилари) мадҳида айтилган шеърни оҳанг билан куйга солиб айтадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам эшитиб ўтирадилар. Қизлар айтиб бориб, ичимизда эртага нима бўлишини биладиган, ғайбдан хабардор Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бор, деган маънодаги байтни ҳам айтадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буни айтманглар, олдин айтаётган нарсаларингни айтинглар, деб кўрсатма берадилар.

Ушбу ҳадисда тўйда кўнгилхуши қилиш жоиз экани баён қилинмоқда. Эркак киши қизлар оҳанг билан айтган шижоат, одоб-ахлоқ, сахийлик каби маъноларни ўз ичига олган байтларни эшитиши жоиз эканлиги чиқмоқда. Албатта, бу нарса парда ортидан бўлсагина ҳамда фитна бўлиши хавфи бўлмасагина жоиз, деганлар уламоларимиз.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«У киши Ансорийлардан бир аёлни куёвниқига тушириб олиб борган эканлар. Шунда Аллоҳнинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Эй Оиша, сизда кўнгилхуши бўлдими? Чунки Ансорийларга**

**кўнгилхуши ёқади», дедилар».**

Бухорий ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳам тўйда шариат чегарасидан чиқмай ўйин-кулги қилиш жоизлигига далилдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам маълум қавмларнинг ҳатто ўйин-кулги, кўнгилхушини яхши кўришларигача инобатга олиб муомала қилганлари эътиборга сазовордир. Ансорийлар, Мадина аҳли мусулмонлари табиатида ўйин-кулгига мойиллик борлигини, тўйларида кўнгилхуши бўлиши жоизлигини Оиша онамизга эслатишлари шуни кўрсатади.

Бошқа ривоятлардан маълум бўлишича, ушбу ривоятдаги келин Фориъа бинти Асъад исми етим қиз бўлган. Оиша онамиз уни тарбия қилиб ўстирганлар. У қиз балоғатга етганида Нубайт ибн Жобир ал-Ансорийга куёвга берилган. Оиша онамиз розияллоҳу анҳо Фориъа розияллоҳу анҳони куёвни келин туширди қилиб олиб борганлар. У киши қайтиб келганларидан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ривоятдаги саволни бериб, кўнгилхуши бўлган-бўлмаганини сўраганлар.

Бошқа ривоятда:

«Чилдирма чалиб, қўшиқ айтадиган қиз ҳам юбордингларми?» деганлар.

Оиша онамиз:

«У қиз нима деб айтади, эй Аллоҳнинг Расули?» деганлар.

Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам биздаги ёр-ёрга ўхшаш байтларни айтганлар.

Аёл-қизлар ўзлари эркакларга аралашмасдан чилдирма чалиб қўшиқ айтсалар, ўйин-кулги қилсалар жоиз.

Муҳаммад ибн Ҳотиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Никоҳда ҳаром билан ҳалолнинг орасининг ажралиши, чилдирма ва овоздир», дедилар».**

Насайй ва Термизий ривоят қилдилар.

Шарҳ: Ушбу ривоятдаги ҳалол ва ҳаром никоҳ тўғрисидадир. Сир никоҳ, ҳаром никоҳни биров билмасин, деб овоз чиқармай, чилдирма чалмай, қўшиқ айтмай жимжитлик билан ўтказиб юборилади.

Ҳалол никоҳни эса иложи борича кўпроқ кишига эълон қилиш, билдириш матлубдир. Бу катта хурсандчилик ва сурурга боис бўлган нарсадир. Ўша ҳалол қўшилишни эълон қилиш, кўпчиликка билдириш ила кўп одамларни гувоҳ қилинади, уларнинг иккиси шаръий равишда эру хотин бўлганларини ҳамма билади ва ҳақларига дуо қилади.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Бу никоҳни эълон қилингиз, уни масжидларда ўтказингиз, унинг учун чилдирмалар чалингиз», дедилар».**

Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривоят қилдилар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам никоҳга оид уч нарсага амр қилмоқдалар.

1. Никоҳни эълон қилиш.

Бу зарурий нарса, олдин айтиб ўтилганидек, эълон орқали, икки ёшнинг ҳалол, пок равишда, шаръий оила қуриб яшай бошлаганларини кўпчиликка билдириб қўйиш бўлади.

2. Никоҳни масжидларда ўтказиш.

Бунда турли ҳаром ва макруҳ ишлардан четлаш осон бўлади. Яъни, никоҳни эълон қилишнинг бир қисмини масжидларда ўтказиш яхшидир.

3. Чилдирма чалиш.

Бу ила хурсандчилик изҳор қилинади. Никоҳнинг эълони кўпроқ тарқайди.

Омир ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Қуразата ибн Каъб ва Абу Масъуд ал-Ансорий розияллоҳу анҳумоларнинг олдиларига бир никоҳ тўйида кирдим. Қарасам, қизлар қўшиқ айтмоқдалар.**

**«Икковларингиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари бўлсангиз, Бадр аҳлилардан бўлсангиз, ҳузурингизда шундоқ иш бўлиб туриши нимаси?» дедим.**

**«Хоҳласанг, бизлар билан ўтириб эшит. Хоҳласанг, жўна, кетавер. Батаҳқиқ, бизга никоҳ тўйида кўнгилхушига рухсат берилгандир», дедилар икковлари».**

Насай ва Ҳоким ривоят қилдилар ва саҳиҳ, дедилар.

Шарҳ: Бу ривоятда никоҳ тўйларида кўнгилхуши қилиш жоиз экани яна ҳам очиқроқ баён қилинмоқда. Бўлаётган кўнгилхушига Омир ибн Саъд розияллоҳу анҳу томонидан айтилаётган очиқ-ойдин эътироз ва фазл аҳли ва Бадр аҳли эгаларидан бўлган саҳобаларнинг рад жавоблари ғоят ибратлидир. Бадр аҳли бўлиш жуда ҳам улуғ мақом. Бу мақомга эришган кишилар ҳаммага ўрнак бўлганлар.

Шунинг учун ҳам Омир розияллоҳу анҳу уларнинг қизлар айтаётган қўшиқни эшитиб ўтиришларини номуносиб деб билиб, танқид қилмоқчи, уялтирмоқчи бўладилар. Аммо натижа тамоман аксинча бўлиб чиқди. Икки улуғ саҳобий никоҳ тўйида кўнгилхушига рухсат берилганини айтиб, Омир ибн Саъд розияллоҳу анҳунинг ўзини уялтириб қўйишди.